



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

М.Т.Ўрозбоев номидаги
Механика ва иншоотлар сейсмик
мустақкамлиги институти

К.С. Султанов

” ноябрь 2022 й.

Республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи “Электрон техник паспорт” ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ишнинг номланиши: **Республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи “Электрон техник паспорт” ахборот тизимини такомиллаштириш.**

1.2. Ишни бажариш муддати:

ишнинг бошланиши – 2022 йил 15 ноябрдан;

ишнинг якунланиши – 2023 йил 25 январгача.

1.3. Буюртмачи: **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустақкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси.**

1.4. **Бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган Платформасини такомиллаштириш (мавжуд сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш).**

1.5. Ишни бажарувчи ташкилот: **Танлов ғолиби.**

1.6. Ишни қабул қилувчи ташкилот: **Фанлар академияси Механика ва иншоотлар сейсмик мустақкамлиги институти.**

1.7. Молиялаштириш манбаси: **Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустақкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан молиялаштириладиган маблағ миқдори 300 000 000 сўм.**

2. Ишларни амалга ошириш учун асос

2.1. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-144-сон Фармонида**

белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2022 йил 27 сентябр № 3-сонли баённомаси асосида бажарилади.

3. Ишларни бажариш кетма-кетлиги

3.1. Бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган Платформасини такомиллаштириш (мавжуд сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш) лойиҳа ишларининг харажатлар сметасини ишлаб чиққан ҳолда ижрочи ва буюртмачи ўртасида шартнома тузиш.

3.2. Объектларнинг мавжуд лойиҳа ҳужжатларини ўрганган ҳолда электрон маълумотларни киритиш.

3.3. Бино ва иншоотларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотлар шакллантириш.

3.4 Бажарувчи томонидан амалга оширилиши зарур бўлган ишларнинг минимал рўйхати:

- Транспорт иншоотлар модулини жорий қилиш;
- Ахборот тизимининг дизайнини фойдаланувчи учун қулай, тизим имкониятларини яққол кўрсатиб берадиган тарзда такомиллаштириш;
- Инструментал техник текширув хулосасини олган бинолар учун, инвестицион дастурга киритиш функциясини ва унга тегишли статистик ҳисоботларни жорий қилиш;
- Ахборот тизимига тегишли маълумотларни тўлиқлигини сақлаган ҳолда ДАТА-марказга жойлаштириш;
- Тизимни архитектурасини такомиллаштириш;
- Тизимни 1 ой давомида техник-қўллаб қувватлаш;
- Тизимнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- Кўзда тутилган чет ахборот тизимлари билан интеграция ишларини амалга ошириш;
- АТ фойдаланувчилари ва администраторининг дастурий таъминоти ва техник воситалари 24/7, 365 кун мобайнида ишлаши таъминланиши керак;
- Ахборот тизимини ишлаб чиқиш жараёнида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилиши лозим.

4. Ишларни бажаришга қўйиладиган асосий талаблар

4.1. Шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги.

4.2. Иштирокчи АКТ соҳасида камида 10 йиллик тажрибага эга бўлиши;

4.3. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллик.

4.4. Ташкилот таркибида асосий ишчи ходимлар малакага эга мутахассисларнинг бўлиши талаб этилади ҳамда камида 4 та дастурчи, дастурчи-дизайнер, тизим администратори, тизим архитектори ҳамда ахборот хавфсизлиги бўйича сертификатланган мутахассисларга эга бўлиши ҳамда мазкур ходимлар мутахассислиги бўйича камида 2 йиллик малакага эга бўлиши.

4.5. Ташкилот томонидан амалга оширилган ишларнинг сифати ва ишончилиги кафолатланиши шарт.

4.6. Бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган Платформасини такомиллаштириш (мавжуд сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш)да бошқа ташкилот мутахассисларини меҳнат қонунчилигида ўрнатилган тартибда жалб қилинишига рухсат этилади.

4.7. Бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган Платформасини такомиллаштириш (мавжуд сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш)да ижро этувчи ташкилот ходимларининг техника хавфсизлиги таъминланиши керак.

4.8. Камида 3 та давлат органларига жорий этилган лойиҳалари бўлиши; -Иштирокчи амалга оширилган шунга ўхшаш лойиҳалар бўйича камида 2 та расмий мулоҳазаларни (ташкилотнинг фирма бланклариди) тақдим этиши.

Иштирокчи:

- маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш;
- ҳудудий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш;
- маълумотлар узатиш тармоқларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун амалдаги лицензияларга эга бўлиши керак.

4.9. Корхона (Бажарувчи) республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи “Электрон техник паспорт” ахборот тизимига транспорт иншоотлар модулини жорий қилиш, инструментал техник текширув хулосасини олган бинолар учун, инвестицион дастурга киритиш функциясини ҳамда тизимнинг дизайн ишларини такомиллаштириш, техник қўллаб-қувватлаш, тизим администраторлигини таъминлаш ишларини 2 ой муддат ичида бажаришни ўз зиммасига олади.

5. Бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган Платформасини такомиллаштириш (мавжуд сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш) ҳисоботини расмийлаштириш тартиби

5.1. Ҳисобот қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:

– Кириш (бунда электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган платформасини такомиллаштириш бўйича умумий

маълумотлар баён этилади);

– Асосий қисм (бунда бино ва иншоот ҳақида батафсил маълумот, чизмалар, ўтказилган инструментал-техник текширув натижалари, компьютер дастурларида бажарилган ҳисоблашлар таҳлили ва бошқалар баён этилади);

– Хулоса (Бино ва иншоотлар электрон техник паспортларининг ягона интеграциялашган Платформасини такомиллаштириш (мавжуд сунъий иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича электрон техник паспортларни шакллантириш)да аниқ хулоса ва тавсиялар баён этилади);

5.2. Ҳисоботнинг умумий ҳажми 50-70 бет атрофида бўлиши тавсия этилади. Иловалар ҳисобот ҳажмига кирмайди. Иловаларга бажарилган ишлар тўғрисидаги барча керакли маълумотлар чекловларсиз киритилиши мумкин.

6. Ишлар якуни бўйича қабул қилувчи ташкилотга топшириладиган асосий ҳужжатлар рўйхати

6.1. Ишлар календар режага асосан якунлангандан сўнг қуйидаги ишлаб чиқилган ҳужжатлар қабул қилувчи ташкилотга ўрнатилган тартибда топширилади:

– бажарилган ишлар натижалари бўйича тайёрланган тўлиқ ҳисобот;

6.2. Ишларни бажаришда шартноманинг ҳар бир босқичи топшириш-қабул қилиш далолатномалари асосида Ҳисоб-фактура билан ёпилади.

7. Бажарилган ишларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш тартиби

7.1. Ишларнинг ҳар бир босқичи тугатилиб, ўрнатилган тартибда тайёрлангандан сўнг ҳужжатлар қабул қилувчи томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади. Унда буюртмачи, қабул қилувчи ва асосий ишни бажарган масъул ижрочи ходимлар иштирок этади.

7.2. Ҳар бир босқич бўйича ишларни кўриб чиқиш натижалари баённомалар ҳамда ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномалари билан расмийлаштирилади.